

Она тили ва адабиёт ўқитувчилари ўртасида танлов эълон қилинади



5 та мұхим ташаббус доирасида китоб мутолааси ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси билан ҳамкорликда «Нутқимизда сўзлар жилоси» шиори остида умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ўртасида жорий йилнинг ноябрь ойида танлов ташкил этилмоқда.

Танлов 2-босқичда ўтказилади:

1-босқич: Ижодий ишларни қабул қилиш – 2020 йилнинг 1-20 ноябрь кунлари;

2-босқич: Ижодий ишларни эксперталар гурӯҳи томонидан кўриб чиқиш – 2020 йилнинг 20-30 ноябрь кунлари этиб белгиланган.

Танловда она тили ва адабиёт ўқитувчилари ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишнинг замонавий йўлларини 5 дақиқалик видеороликда кўрсатиб беришлари лозим.

Ушбу танловда ҳар бир ҳудуддан 1 нафардан ғолиблар аниқланиб, уларга пул мукофотлари ва маҳсус дипломлар топширилади.

Эслатиб ўтамиз, иштирок этиш учун видеороликлар [5tashabbus_uymizda](#) телеграм ботига юборилиши лозим.

Мазкур танлов низоми билан қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин:
[nizom-tanlov.doc](#)